10 НОЯ 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 259 (19.035). • Жума, 9 ноябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети етиштирилган ҳосилни тезроқ ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун республика меҳнаткашлари куч ва ғайратларини аямайдилар, катта хирмон учун жангда жасорат, шавкатли меҳнат ва маҳорат намуналарини кўрсатадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.*

# ЧИН ВАТАНПАРВАР БЎЛСАНГ, БУТУН ҚАЛБ ҚЎРИНГНИ ПАХТАЗОРГА БАҒИШЛА, ЎЗ ГРАЖДАНЛИК БУРЧИНГНИ ОХИРИГАЧА БАЖАР!

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг

### Ўзбекистондаги барча колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, механизаторларга, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига, пахта тайёрлаш органларининг ходимларига, студентлар ва ўқувчиларга, ҳамма меҳнаткашларга

# МУРОЖААТНОМАСИ

УЛУҒ Октябрнинг 67 йиллигини мамлакатимиз тантанали ва шодиёна нишонлади. Совет кишилари Октябролди меҳнат вахтасида эришилган муваффақиятларни ривожлантириб ва кўпайтириб, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини фидокорона меҳнат билан амалга оширмоқдалар, хўжалик ва маданий қурилишда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишда янги марраларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми халқнинг турмуш даражасини мунтасил ошириш — Ленин партияси бунёдкорлик фаолиятининг олий мақсади эканини зўр куч билан тасдиқлади. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакатнинг озиқ-овқат фондини мунтасил кўпайтириб бориш мақсадида ерларни мелиорациялашнинг ва мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли программасини муҳокама қилиб, маъқуллади.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненко катта нутқ сўзлади. Унинг нутқида совет экономикасини ривожлантиришнинг янги актуал вазифалари белгиланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг энг муҳим йўналишлари илмий асослаб берилди, Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда мелиорациянинг ролини ошириш йўллари аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўртоқ К. У. Черненконинг ёрқин программавий нутқини сидқидилдан маъқуллаб кутиб олдилар ва бу нутқда ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда турмушга татбиқ этамиз, республика билан Ўзбекистон Компартиясининг олтмиш йиллигини янги ютуқлар билан кутиб оламиз, деб партияга ваъда бердилар.

РЕСПУБЛИКА ўз қаҳрамонона тарихининг 60 йили мобайнида ажойиб муваффақиятларга эришди. СССР халқларининг қардошлик оиласида, КПСС Марказий Комитетининг доимий ёрдами ва оталарча ғамхўрлиги туфайли Совет Ўзбекистони қолоқликдан социал тараққиёт чўққилари сари катта ва шонли йўл босиб ўтди. Республика экономикаси ва маданиятининг равнақи — КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг ёрқин тимсолидир, улуғ рус халқи бошчилигидаги барча совет халқлари дўстлиги, қардошлиги ва мустаҳкам ҳамкорлигининг натижасидир.

Ҳозир республикамизнинг экономикаси — мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексининг ажралмас таркибий қисмидир. Бинобарин, ҳар бир меҳнатчининг, ҳар бир коллективнинг вазифаси Ўзбекистоннинг умумиттифоқ бойлигига қўшадиган ҳиссасини доимо кўпайтириб боришдан иборат. Давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш, ишдаги уюшқоқлик ва ғайрат-шижоатни ошириш, ҳамма жойда ва ҳар ишда, ҳамма поғоналарда ва барча бўғинларда юксак ўзаро талабчанлик ва масъулият вазиятини вужудга келтириш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумларининг қарорлари партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашда, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун ва пировард меҳнат натижалари учун бўлган масъулиятини оширишда қудратли омил бўлди. Бу қарорлар республика коммунистларини, барча меҳнаткашларини барча резервларни сафарбар этишга, ҳамма ресурсларни ишга солишга, шу йилги ва умуман беш йиллик планлар ва мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини таъминлашга руҳлантиради.

6 миллион тонна «оқ олтин» олиш учун қийин шароитларда курашаётган шонли пахтакорларимизнинг қаҳрамонона ғайрат-шижоатини шу кунларда бутун мамлакат зўр эътибор билан кузатиб турибди.

Шу маррани забт этиш, Ватанни мўл ҳосил билан қувонтириш, уни янада бадавлат, янада қудратлироқ қилиш — республикадаги барча меҳнат коллективларининг, ҳар бир кишининг ватанпарварлик ва интернационал бурчидир!

**АЗИЗ ЎРТОҚЛАР, ҚОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ, СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР, ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ, БИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАН ШУ МАСЪУЛИЯТЛИ, ДОЛЗАРБ ПАЙТДА СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИБ,** пахта теримида ғоят актив, жуда бевосита қатнашишга, қалбларингизнинг ҳароратини, бутун кучингиз, тажрибангиз ва юксак маҳоратингизни бош вазифани ҳал этишга — етиштирилган пахта ҳосилини сўнгги чаноғигача териб олишга чақирамиз.

Ҳосил биринчи марта умумий вазнига қарабгина эмас, балки, энг муҳими, таркибидаги толасига қараб қабул этилмоқда. Давлатга 1 миллион 800 минг тонна тола топширилиши керак. Шу билан бирга маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш бениҳоя муҳим вазифадир.

БИЗ катта пахта хирмони учун курашда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг улкан ёрдамини , оталарча ғамхўрлигини доимо сезиб турибмиз.

Бу ғамхўрлик ва диққат-эътибор республика меҳнаткашларининг кучига-куч қўшмоқда, умид ва ишонч туйғуларини бахш этмоқда. Қўпгина колхоз ва совхозлар ҳосил теримини зарбдорларча ташкил этдилар. Фарғона, Тошкент, Наманган областлари, ўнлаб районлар, юзлаб хўжаликлар ҳозиргача давлат планини бажариб бўлиб, энди оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Меҳнат муваффақиятлари ва ютуқлари жабҳаси кун сайин кенгайиб бормоқда.

Мана шундай шароитда беғамлик ва хотиржамлик, терим ишларини ташкил этишдаги ҳеч бир ўрни бўлмаган сусткашлик ва бамайлихотирлик кўринишларига асло тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар қандай сусткашлик ҳосилни хавф остида қолдиради. Қийин синовлар: ҳавонинг айниши, ёғингарчилик, аёзли кунлар яқинлашиб келаётганини унутмаслик керак. Мана шуларнинг ҳаммаси зиммамизга далалардаги иш маромини кучайтириш, пахта тайёрлаш суръатларини қатъиян ошириш вазифасини юклайди.

**ШОНЛИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИМИЗ, БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!**

Сизлар йил сайин ўз маҳоратингизни қиёмига етказиб, пахта учун умумхалқ курашида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатяпсизлар. Ҳозирги юбилей йилида сизларнинг истеъдодингиз алоҳида куч билан намоён бўлсин! «Зангори кема»лар ва транспорт воситаларининг юксак унум билан ишлашини ташкил этиш учун имкони бўлган ҳамма иш қилиниши зарур.

Пахта конвейери узилишсиз ва тўхтовсиз, бир маромда ишлаб туришига эришиш муҳимдир. Ўз касб маҳоратингизни ошириш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, барча бўғинларнинг аниқ, баҳамжиҳат бўлиб ишлаши асосидагина бунга эришиш мумкин. Ҳозир ҳосилни имкони борича тезроқ териб олишдан, ҳар бир очиқ кун ва соатдан зўр унум билан фойдаланишдан ҳам муҳимроқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ!

**ҚОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ!**

Сизларнинг ҳаммани қойил қолдирувчи маҳоратингиз, моҳир, чинакам олтин қўлларингиз мўъжизалар яратиб келган. Сизлар зўр куч-ғайрат сарфлаб, ҳамма қийинчиликларни енгиб ўтдингиз ва мўл ҳосил етиштирдингиз. Бироқ эндиликда жамики ҳосилни қисқа муддатларда, ҳеч нобуд қилмай териб олишда ҳам мана шундай қатъият ва масъулият кўрсатишингиз зарур. Ҳозиргача 8—12 тоннадан «оқ олтин» терган чевар теримчилар шаънига энг яхши сўзлар айтса арзийди. Уларнинг издошлари кўпаяверсин, социалистик мусобақа мавжи янада жўш ураверсин.

**ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИНИНГ ХОДИМЛАРИ!**

«Оқ олтин» териминнинг суръати, пахта толасининг сифати сизларга, сизларнинг уқувингиз ва маҳоратингизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг янги шароитда пухта ишлашини ташкил қилиш ҳақида имкони борича кўпроқ ғамхўрлик қилингиз. Пахта қабул қилиш, асраш ва қайта ишлаш технологиясини яхшилангиз. Қуритиш-тозалаш цехлари ва пахта сушилкаларининг уч сменали ишини таъминлангиз. Ҳосилни қабул қилиш, асраш ва қайта ишлаш чоғида давлат ва хўжаликларнинг манфаатларига риоя этилиши устидан таъсирчан контроллик ўрнатингиз.

Бутун мана шу технология жараёнида «оқ олтин»нинг исроф ва нобуд бўлиши учун ҳеч қандай имконият қолдирилмаслиги керак. Пахта бизнинг умумхалқ бойлигимиз, пахта Ўзбекистон меҳнатчиларининг ифтихори бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Модомики, шундай экан, унинг ҳар бир грамми одамларга, жамиятга, севикли Ватанга хизмат қилиши керак.

Ўроқ билан Болға иттифоқи йил сайин мустаҳкамланмоқда, завод коллективларининг оталиқдаги колхоз ва совхозлар билан ишлаб чиқариш ҳамда маданият соҳасидаги алоқалари кучаймоқда.

Пахтазорлардаги иш мароми энг юксак чўққига кўтарилган шу кунларда **БИЗ ШОНЛИ ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ НАМОЯНДАЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИБ,** деҳқонларнинг даъватига муносиб жавоб қайтаришга ва етиштирилган ҳосилни териб олишда шахсан актив қатнашиш билан уларга ёрдам беришга чақирамиз.

«Ҳозир биз ҳаммамиз — пахтакормиз» деган сўзларнинг ватанпарварлик аҳамиятини чуқурроқ англаб олиб, қалб амри билан «оқ олтин» теримида оталиқдаги хўжаликларга бевосита ёрдам бериш, шу тариқа барча колхоз ва совхозларнинг, район ва областларнинг мажбуриятлари бажарилишини жадаллаштириш — ҳар бир ишчи инсоннинг шон-шараф ва виждон ишидир.

**ҲОЗИР ҲАР БИР ШАҲАРЛИК, РЕСПУБЛИКАДА ЯШОВЧИ ҲАР БИР КИШИ — ХИЗМАТЧИ, СТУДЕНТ, ТЕХНИКУМ ВА ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ЎҚУВЧИСИ, ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ, ПИОНЕР ВА УЙ БЕКАСИ** пахта ҳосилининг тақдири учун шахсан масъул эканини англаб олиши, «оқ олтин» теримчилари сафларига қўшилиб ,умумий ишга қўлидан келганича ҳисса қўшиши керак.

**КОММУНИСТ ЎРТОҚЛАР!**

Сизлар ҳамиша олдинги сафда бўлдингиз, Ўзбекистоннинг катта хирмонини бунёд этиш учун курашнинг энг қийин участкаларида пешқадам бўлиб келдингиз. Ҳозирги юбилей йилида ҳам сизлар «зангори кема»ларда, қўл теримида, «оқ олтин» ташиш ва қайта ишлашда, пахта конвейерининг ташкилотчилари постида фидокорлик ва меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатишингиз шубҳасиз.

Теримни тезроқ ва сифатли ўтказиш, мажбуриятларни бажариш масалалари бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Ҳозир ҳар бир партия ташкилоти ишчанлик ва сиёсий етуклик имтиҳонини топширмоқда. Бу имтиҳондан шараф билан ўтмоқ керак!

**ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҚАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ, БИЗ СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!**

Қишлоқдаги ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини оширингиз, бу ишни бевосита дала шийпонларига кўчирингиз. Ҳар бир бригадага сиёсий ахборотчиларни, сиёсий докладчиларни, лекторларни ва сиёсий комиссарларни бириктириб қўйингиз.

Ўзаро талабчанлик ва ўзаро ёрдамлашувнинг неча йиллардан бери синалган мактаби — социалистик мусобақа кенг қулоч ёздирилсин. Пахта териш машинасининг ҳар бир механик ҳайдовчиси, ҳар бир теримчи, ҳар бир бригада, участка ва хўжалик коллективининг пахта териб топшириш нормалари ва графикларини кун сайин тўла ва ошириб бажаришига эришингиз.

Мусобақа натижаларининг ошкоралиги, яққол кўриниши ва таққосланишини таъминлаш учун ҳурмат ва кўрсаткич тахталаридан, жанговар варақалардан, «Чақмоқ»лардан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан кенгроқ фойдаланингиз. Илғор механик ҳайдовчилар, теримчилар шарафига хўжаликларда Меҳнат шуҳрати байроқларини кўтарингиз, терим илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бошқа ҳамма формаларидан тўла-тўкис фойдаланингиз. Пахтакорларга, механизаторларга, далада ишловчи барча кишиларга ғамхўр ва меҳрибон бўлингиз, уларнинг унумли меҳнат қилиши учун энг қулай шароитларни яратиб берингиз.

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА САВДО, МАИШИЙ ХИЗМАТ ВА МАДАНИЙ ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ!**

«Оқ олтин» терими қатнашчиларига хизмат қилиш сифатини яхшилангиз, пахтакорлар, шаҳарликлар, студентлар ва ўқувчилар яхши кайфият билан ва зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишлари учун зарур бўлган ҳамма шароитни яратиб берингиз.

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети етиштирилган ҳосилни тезроқ ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш учун республика меҳнаткашлари куч ва ғайратларини аямайдилар, катта хирмон учун жангда жасорат, шавкатли меҳнат ва маҳорат намуналарини кўрсатадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Биз сўзимизнинг устидан чиқишимиз керак, сўзимизнинг устидан чиқишга, олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга бурчлимиз. Бу эса бизнинг Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигига, КПССнинг бўлажак XXVII съездига энг яхши армуғонимиз бўлади.

## ҲАММА—ҲОСИЛ ТЕРИМИГА!
## ПАХТА ДАЛАСИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТИГА ЧОРЛАЙДИ!

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети* — *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми* — *Ўзбекистон ССР Министрлар Совети*

